



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 4 декабрь, № 250 (7480) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДУШАНБЕ ШАҲРИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 декабрь куни Тожикистон Республикасининг пойтахти — Душанбе шаҳри раиси Рустам Эмомалини қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари кейинги йилларда изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Икки қардош мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш таъминлангани, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида стратегик шериклик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Душанбе шаҳри раиси Рустам Эмомали қабул учун самимий миннатдорлик билдириб, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда мамлакатларимиз пойтахтлари Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Шаҳарни бошқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, «Йўл харитаси» асосида қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш каби йўналишларда мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз.А.

ДУНЁ НИГОҲИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ҲАҚИДА ЕВРОПАЛИК ЭКСПЕРТЛАР ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРДИ

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг тарихий аҳамияти европалик таниқли экспертлар, журналистлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этиляпти. Бу ҳақда "Дунё" АА хабар берди.



Хусусан, Марказий Осиё бўйича Германиялик эксперт ва эркин журналист Биргит Ветцель бугунги кунда дунё геосиёсатида ўзаро ишончсизлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳити хатар остида қолаётган бир шароитда Марказий Осиё, хусусан, Президент Шавкат

Мирзиёев раҳбарлигида ривожланишнинг янги босқичига кўтарилган Ўзбекистондан янада кўпроқ хушxabарлар келаётганини таъкидлади.

Унинг фикрича, минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мус-

таҳамланиб бораётганининг ёрқин тасдиғидир. Зеро, Тошкент учрашуви кун тартибидан минтақа давлатлари тез-тез дуч келаётган ва биргаликдаги ишчиликлар билан ечишга ҳаракат қилинаётган долзарб масалалар жой олди.

"Иқтисодий ҳамкорлик

3

САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон "Адолат" СДП номидан "Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти партиямиз сайловолди дастурида алоҳида ўрин тутайди" сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

ХОРИЖДА ОЧИЛГАН САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Марказий сайлов комиссияси томонидан чет давлатларда очилган сайлов участкалари фаолиятини қонунчилик талабига биноан ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилляпти. Бу хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг сайловга оид конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришда муҳимдир.



МСКнинг навбатдаги йиғилишида ана шу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, Анқара шаҳридаги Ўзбекистон элчихонаси билан ўрнатилган видеоконференцалоқа орқали мамлакатимизнинг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Азамжўаевнинг ахбороти тингланди.

Элчининг маълум қилишича, Анқара ва Истанбул шаҳарларида очилган сайлов участкалари фаолияти

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига мувофиқ ташкил қилинган. Айтиш мумкин сайловчилар рўйхатини тузиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Сайловчиларга хорижда овоз бериш борасида яратилган қўлайлик ҳақида кенг тушунтириш берилляпти. Тахминларга кўра, Туркияда яшаётган 90 фоздан ортиқ ҳамюртларимиз сайловда қатнашади.

3

Сенатор минбари

Кўп асрлик тарихий қадрият қонуний мустаҳкамланди

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини фаоллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Натижада нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтлари ҳамда аҳолининг хайрия тadbирлари ва акцияларда иштирок этиши орқали муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилишдаги фаоллиги ошиб борапти.

Кунни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун юртимизда кўнгиллилар, яъни волонтерлар ишини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўз навбатида, волонтерлар институти кенг имкониятга эга бўлиб, ундан мамлакатни сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Сабаби волонтерлар ўз фаолияти давомида қатор муҳим ижтимоий хизматларни кўрсатади. Улар маълум товарларни ишлаб чиқаради, ўз манбаси ҳисобидан жамиятнинг эҳтиёжманд қатламларини қаноатлантиради, давлат органларининг айрим вазифаларини зиммасига олади. Бу эса мавжуд бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини беради.

Яна бир томони шундаки, волонтер ёшларнинг жамият ҳаётига киришиш жараёнига кўмак кўрсатиш, зарур иш тажрибасини тўплаш, меҳнат бозори талаби бўйича зарур малака даражасини кенгайтириш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Миллий тажрибани ўрганиш шунинг кўрсатдики, кўнгиллилик фаолияти, тегишли тушунчалар мажмуи ва шу фаолиятини амалга ошириш тартиблари мустаҳкамланган қонун ҳужжатига эга бўлмасда-да, юртимизда давомланиб бормоқда.

Айрим социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, қарийб 90 фоз нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини амалга оширишда волонтерлардан фойдаланади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қизил Ярим ой жамияти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси уларнинг энг фаолларидан ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органлари ҳам йирик халқаро конференциялар, семинарлар, спорт мусобақалари ва бошқа тadbирларга волонтерларни таржимон, кузатувчи ва бошқалар сифатида фаол жалб қилади.

Тегишли қонун ҳужжатларининг йўқлиги волонтерларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси, муносиб меҳнат шaroити кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик механизмлари тўғрисидаги масалаларни очик қолдираётган эди.

"Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун кўнгиллилар фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, ННТ фаолияти самарадорлигини ошириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, волонтерлар фаолиятини замон талаблари асосида самарали йўлга қўйишни таъминлашга хизмат қилади.

Шухрат Чўллив, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари.

Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»

БУГУНГИ КУНДА ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЎГИЛ-ҚИЗЛАРГА АНА ШУНДАЙ ТАЪРИФ БЕРИЛМОҚДА.



Сурат "Халқ сўзи" фотокамалмасидан олинди.

Эртанги кунимиз замонавий кадрларга боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз учун энг катта муаммо, бу — бугунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслигини, барча соҳада инновацион ва креатив фикрлайдиган, илғор технологияларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж жуда юқори эканини таъкидлаб келади. Шу мақсадда Ўзбекистонда улғу алломаларимиз — Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидagi иқтидорли болалар мактаблари, халқимизнинг атоқли адиблари номлари билан аталган ижод мактаблари, "Темурбеклар мактаби", Президент мактаблари ташкил этилгани таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Атоқли ижодкорлар номидagi ижод мактаблари олдига қўйилган вазибалар, ўқув жараёни ва эришилаётган натижалар ҳақида ушбу таълим масканлари раҳбарлари, ижодкорлар ва кенг жамоатчилик вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан 4-бетда танишасиз.

3

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ ОЧИҚ ЎТКАЗИЛЯПТИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга

тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Депутатлар давлатнинг асосий солиқ ҳужжатини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар билан чиқишяпти.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Таъкидлаш жоизки, муҳокамалар очик кечмоқда. Яъни ушбу жараёнда депутатлар, парламент куйи палатасининг Давлат бюджетни бошқармаси ходимлари, мутахассислар, экспертлар, фуқаролар фаол иштирок этмоқдалар. Қонунчилик палатасининг ишчи гуруҳи аъзолари фермер хўжаликлари ҳамда Бекобод туманидаги сугурта компаниялари бўлинулари вакилларининг таклифларини қабул қилишди. Улар қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича фермер хўжалиқларини молиялаштиришдаги қи-

йинчиликлар билан боғлиқ долзарб масалани кўтаришган эди.

Учрашув давомида молия вазирининг ўринбосари Д. Султонов янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил ахборот берди. Жумладан, лойиҳада товарлар ва хизматлар реализацияси таннархи даражаси билан боғлиқ ҚҚС бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш борасидаги эскирган услуб бекор қилинаётгани айтиб ўтил-

ди. Улар ўрнига эркин бозор талаб ва таклифлари асосида шакланган нархлардан келиб чиқиб, солиққа тортишга концептуал ўтиш кўзда тутиляпти. Бу, мутахассисларнинг фикрича, халқаро стандарт қоидаларига мос бўлиб, тadbиркорлар, шу жумладан, фермер хўжалиқлари даромадларини оширишга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасининг оммавий муҳокамалари давом этмоқда.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги олдида

"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар..."

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан.

БАФРИКЕНГ ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Глобаллашув даври манзараси ҳар давлатда ҳар хил намоен бўлганидек, унинг қиёфасини дунёнинг турли бурчакларида турли ҳолатда кўряпмиз. Афсуски, айрим минтақалардаги нотинчликдан кечаю кундуз хавотирда, кўрқувда яшаётган фуқаролар қанчадан-қанча...

Шуларни кўриб, беихтиёр шукроналар айтасан, киши. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон, одамларимиз, хусусан, 130 дан ортиқ

миллат вакиллари осойишта умргузаронлик қилишяпти. Албатта, эл орасидаги ахиллик ва тотувликнинг муҳим омилларидан бири — диний бағрикенглик тамойили. Ушбу масала Асосий Қонунимизда алоҳида моддада белгилангани ҳам бежиз эмас.

Конституциямизда ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган. Шу билан бирга, мамлакатимиздаги қатор мактабларда таълим нафақат ўзбек

тилида, балки рус, тожик, қорақалпоқ ва бошқа тилларда ҳам олиб борилади. Бу ҳам Конституциямизда белгиланган тамойилларнинг ҳаётий ифодасидир.

Айни пайтда таълим муассасамизда 1400 нафарга яқин ўқувчилар таҳсил олмақда. Дарс машғулотлари рус тилида олиб борилади. Улар орасида йигирмага яқин турли миллат вакилларининг фарзандлари бор.

3

ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

ПАРТИЯМИЗ САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ



Юртимиз ҳар жабҳада ривожланиб бораётгани, яратилаётган шароит ҳамда имкониятлар кўлами кенглиги бугун фуқароларнинг эркин ва фаровон яшаши учун замин яратмоқда. Аммо олдимизда қилиниши керак бўлган жуда кўплаб амалий ишлар бор. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди дастурида **партиянинг олий мақсади — ахлоқий ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти**, шунингдек, **адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга ошириш** эканлиги қайд этилган. Зеро, бу мақсадларнинг рўёби, шубҳасиз, халқимизни ҳақиқий маънода фаровонликка элтади.

Эҳтиёжманд фуқароларни тўлиқ ёки қисман солиқдан озод қилиши таклиф этяпмиз

Наримон УМАРОВ,
82-Шўрчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Адолатлилик даромадлар, мулк ва ҳокимиятни тақсимлашда кўпроқ тенгликни талаб қилади. Партия солиққа тортишнинг прогрессив ставкаларини ўрнатиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни тўлиқ ёки қисман солиқдан озод қилишни таклиф этади. Шунингдек, **айрим қорхоналар учун махсус имтиёзлар беришни маъқулламайдим**, чунки бу эркин рақобатни чеklangида. Шунинг учун имтиёзлар солиқдан озод қилиш эмас, балки бюджетга тўловларни амалга оширишдан озод қилиш кўринишида берилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатнинг иқтисодий қудрати, аввало, бюджетга боғлиқ. Бугунги кунда давлат даромадига ундириладиган барча тўловлар (жарималар, давлат божлари, йғим ва бошқа ундирувларнинг муайян қисми ИИВ, Адлия вазир-

лиги, прокуратура ва бошқа давлат органларига тўғридан-тўғри берилиши бюджетни тўлдирishi мумкин бўлган маблағлар ҳисобига айрим идораларнинг ҳаддан ташқари бўйиб кетишига, айни вақтда маблағга катта эҳтиёж бўлган таълим ҳамда тиббиёт каби ижтимоий соҳаларнинг маблағ тақчиллигига сабаб бўлади. Энг хавфли томони, бюджетга тушириладиган даромад ҳисобига бойлик орттирадиган идоралар бу маблағларни назоратсиз ишлатиш имконига эга бўлади. Бу ички коррупция ривожланишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз давлатга ундириладиган барча суммалар (жарималар, давлат божлари, поштиналар ва бошқа ундирувлар) тўлиқ Давлат бюджетига тушиши ва сўнгра тегишли идораларга тақсимланиши бўйича қонунларга ўзгартишлар

киритилиши ва уларнинг амалга оширилишини маъқуллайди. Шунингдек, Давлат бюджетни ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш тарафдоримиз.

Янги "ақлли" ҳамда инновацион технологияларга асосланган иқтисодиёт — мамлакат қудратининг ошиши, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорлигини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг ички сийсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши асоси ҳамда гарови. Инновацияларни яратиш жараёни, инновация иқтисодиёти ва билимлар иқтисодиёга ўтиш, албатта, **уларни яратувчилар учун салмоқли маблағ ажратилиши билан бевосита боғлиқ**. Бу соҳадаги лойиҳаларга давлат ресурслари билан бирга, хусусий сектор ва аҳоли маблағларини жалб қилиш даркор. Дастурда илмий-инновация фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун қўлай шароитларни яратиш бўйича давлат инновация сиёсатини қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам алоҳида



ўрин олган. Рақамли технологиялар базасида иқтисодиётнинг барча соҳасини янгилашни кўзловчи "Рақамли Ўзбекистон — 2030" миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифаларимиздан биридир. Бу иқтисодиёт қувватларининг "ёруғликка" чиқиши ва кучайиши ҳисобига мамлакат ялпи ички маҳсулотини 30 фоизга ошириш мумкин бўлади, дегандир. Инсон ҳаётининг сифати у

яшаётган атроф-муҳит шароитига бевосита боғлиқ. Бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири саналади. Биз миллий иқтисодиётимизнинг "тўртинчи санаот инкилоби" тамойилига ўтиши тарафдоримиз. Ушбу дастур қайта тикланадиган табиий ресурслардан фойдаланиш, янги манбаларни излаб топиш, бир вақтнинг ўзига табиатга салбий таъсир кўрсатмай туриб, иқтисодиётни ривожлантириш йўллариини топишга асосланади.

Биз сизнинг қўллаб-қувватлашингиз билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланадиган бўлсак, олдимиздаги беш йилликда партиямиз сайловолди дастурида белгиланган шу каби долзарб вазифаларни босқичма-босқич бажариш ҳисобига Ватанимиз тараққиётига, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришига бор куч-гайратимиз ва билимимизни сафарбар этамиз.

Тергов қўмитасини тузиш лозим, деб ҳисоблаймиз

Сирожиiddин РАУПОВ,
126-Бешкент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:



— Адолат бор жойда қонун устуворлиги таъминланади. Бугун ҳар бир фаолият мезонини такомиллаштиришда қабул қилинаётган қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ўрни бекиёс.

Сайловолди дастурида хукуқий давлатнинг асл негизи ҳақида жуда аниқ таъриф берилган. Биз учун хукуқий давлат, бу — адолатли фуқаролик жамиятининг сийсий бўлиши ҳамда ҳаммамнинг қонун олдида тенглиги ва қонун устуворлиги таъминланади, адолатли қонунлар ва суд ҳокимияти амал қилади, инсон хукуқ ва эркинликларига риоя қилинади, аҳоли фаол фуқаролик позицияси билан ақралиб туради ва умумий қоидалар ва манфаатларга бўйсунлади.

Биз учун адолат — қонун устуворлигида! Партиямиз асосий тамойили — адолат ҳамма ерда ва барча учун! Бу биз суд ҳокимияти адолатли бўлиши ҳамда мустақиллик, ҳолислик ва адолат мезонларига бўйсунуши керак, деб ҳисоблаймиз.

Дастурида партиямизнинг суд тизимини комплекс ривожлантириш, судлар томонидан қабул қилинган қарорлар ҳолислиги ва улар фаолиятининг очиклигини таъминлаш, суд тизими мавқени ошириш ҳамда судьялар дахлсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тарафдори эканлиги ҳам қайд этилган. Муҳими, унда фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ҳамда жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган.

Партиямиз "Судлар тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайди. Бунинг учун фуқаролик, жинсий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоятлар судларини оптималлаштириб, умумий юрисдикция судларини ташкил этишни ҳамда уларни "халқ судлари", деб номлашни таклиф қилади. Қолаверса, судьяларнинг халқпарварлиги ва халқ олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг халқ томонидан сайланиши ва мунтазам равишда ўз фаолияти ҳақида ахборотларни очик эълон қилиши учун қонунларга тегишли ўзгаришлар киритиш масаласини илгари сурашми. Бу таклифларимиз амалга ошса, соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш, судьяларнинг халқ олдидаги масъулиятини кучайтириш, муҳими, адолатни таъминлаш мумкин бўлади. Аҳолининг судларга бўлган ишончини оширади.

Суд ишида адвокатларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда хукуқларини кенгайтириш, хукуқий-фуқаролик ва маъмурий-хукуқий хусусиятга эга мунозараларни тартибга солиш, шунингдек, уларни суд ишидаги қарама-қарши томоннинг асосисиз шикоятларидан ҳимоя қилиш ҳам дастуридаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Хозирги пайтда суд қарорларини ижро қилиш ваколати прокуратура ва ички ишлар орган-

ларига берилган бўлиб, бу ҳолат халқро талабларга жавоб бермайди. Бу борада барча ижро билан боғлиқ ваколатларни жазони ижро этиш муассасаларида суриштириб ва тергов ваколатига эга бўлмаган, ҳолис орган — адлия идораларига бериш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Шунда терговдан норозилик қамаяди, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар, қийноқ ва шунга ўхшаш таътиқларнинг олди олинади.

Жамиятда хукуқий маданиятнинг шакллантириш, аҳолининг хукуқий билимини ошириш ва ўз хукуқларини билишга қўмаклашиш демократик хукуқий давлат қуришнинг зарурий шарти ва гаровидир. Қонун ва амалдаги меъёрдан яхши хабардор ҳамда уни ҳурмат қиладиган фуқарога ўз хукуқларидан тўлиқ фойдаланиши мумкин.

Жойларда қонунлар бузилиши, ҳоким ва бошқа мансабдор шахсларнинг хизмат ваколатларидан четга чиқиши ёки хизмат ваколатини суистеъмол қилиши ҳолатларидан норозиликлар кўп учраётгани айнан хукуқларимизни яхши билмаслигимиз оқибати, десак, муболага эмас. Шу боис биз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш функциясини кенгайтириш таклифини илгари сурашми. Бу эса хукуқий билимлар ва ўз ваколатидан самарали фойдаланиш тизимини белгилаб беради. Уларнинг фаолиятига бўлган эътиборни кучайтиради.

Бугунги кунда тергов ва терговга ча суриштирув ишлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, ИИВ, ДХХ ва Миллий гвардия томонидан амалга оширилади. Мазкур жараёнда инсон хукуқлари поймол бўлиши ва коррупция каби ҳолатларга дуч келинаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Боз устига, Бош прокуратуранинг тергов устидан назорат функцияси пасайиб бормоқда. Шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида биз юқоридаги давлат органларининг барчасидан тергов қилиш ваколатини олиб, мамлакатда ягона тергов органи — Тергов қўмитасини ташкил этиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Албатта, хукуқий давлатда фуқаролар оқоийшгагинагина ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш муҳим мезон ҳисобланади. Шу маънода, биз ҳаммиша қонун устуворлиги тарафдоримиз ва бу борадаги позициямизда қатъий тураммиз.

Бугуннинг аёли барча жабҳада фаол бўлиши керак

Гулбахор САЙИДҒАНИЕВА,
106-Бағдод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:



— Аёл — жамиятнинг мустаҳкам қўргони. У ҳуш қайфиятда бўлса, оила хотиржам, у қулса, оила ва жамият бахтли бўлади. Садқот тимсоли дея таърифланадиган аёл минглаб иқтидорлар қилишидан ташқари, не-не улугларни тарбиялаб, воғга етказмади, дейсиз. Бугун-чи? Бугун опа-сингиларимиз не орзулар билан яшапти, қай мақсадлар йўлида курашапти ва бу йўлда қандай ютуқ ва натижаларни қўлга киритяпти?

Авалло, хотин-қизлар нафақат иш-хонда, шунингдек, рўзғорда забардаст спортчилни-да орта қолдириши мумкин бўлган қўлдамдаги катта ишни унда қўлқўдалар. Ҳар юмушни ўз вақтида бажариб, ҳам оналик, ҳам аёллик номини улуглаб келалтир.

Шундай экан, улар ҳар қанча эъзос ва ҳурматга муносиб. Ана шу тутум юртимизда ҳам тобора изчиллик касб этиб борапти. Бунинг қўнғилиғимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш мақсалига алоҳида ургу берилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, Конституциямиз, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Оила, Фуқаролик кодекслари ҳамда бошқа қатор норматив-хукуқий ҳужжатларда хотин-қизларнинг хукуқ ва манфаатларини таъминлашга, фаоллигини оширишга, уларга маънавий-руҳий мадад беришга, турли таҳдид ва қотиб қолган эскича қарашлардан ҳимоя қилишга доир меъёrlар мустаҳкамлаб қўйилган.

Эътиборлиси, хотин-қизларимизнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун ҳужжатлари халқро хукуқий меъёrlарга асосланган. Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аёллар хукуқларининг халқро меъёр ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида аёллар хукуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), аёлларнинг сийсий хукуқлари ҳақидаги, оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги халқро конвенцияларга қўшилди. Шуларнинг ўзиде хотин-қизларга қаратилаётган эътибор нечоғли юксак эканидан далолат бериб турибди.

Президентимизнинг 2018 йил феврал ойидаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан, айни чоғда юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий ва социал фаоллигини ошириш, улар турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, хукуқ ва манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш

Адолат — ҳар бир инсон учун!

Фарход ИШАНҚУЛОВ,
142-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:



— Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ўз олдига аниқ ва қатъий мақсадни белгилаб олди. Халқимиз манфаатлари учун хизмат қиладиган бу улуг мақсаддан ҳамон оғинмай олдинга қараб ҳаракат қиляпмиз. Пировағидида бугун биз кўриб турган жаннатоманд Ўзбекистон дунё тамаддунида ўз муносиб ўрнига эга бўлиб бораётимиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу яратилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар, изчил ислохотларнинг барчаси халқ учун ва халқ манфаатларига хизмат қилмоқда. Бунда мамлакатда олиб борилаётган соҳамали бошқарув тизими алоҳида ўрин тутди. Ислохотлар жараёнида илгари сурилётган тамойиллар адолатли ва халқчи бўлишига эътибор борган сари кучаймоқда.

Ҳўш, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ушбу жараёндаги ўрни қандай бўлади? Айтиш мумкин-ки, партиямиз ўз номига ҳамда оҳанг иш юритган ҳолда, халқ номидан, халқ учун ва халқ манфаатлари йўлида иш олиб боради. Партиямиз жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасида гендер тенглигига эришиш тарафдори. Демак, бугунги кун аёли ҳар соҳада фаол бўлиши шарт.

Жамиятда хотин-қизларнинг давлат қурилишидаги иштирокини ошириш мақсадида партиямиз фаолиятида хотин-қизлар ролини кучайтириш чоралари қўрилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда партия аъзоларининг муайян қисминини аёллар ташкил этишига эришилди, "Аёллар қаноти" томонидан бу борадаги тарғибот ишлари жадал давом этирилмоқда. Булардан қўзланган асосий мақсад аёлларнинг сийсий фаоллигини ошириш, жамиятнинг муҳим бўғини сифатида ролини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида хотин-қизлар сийсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди, десак, сира муболага эмас. Масалан, 2007 йилда бўлиб ўтган Президентлик сайловида мамлакат тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига аёл кишининг қон номзоди кўрсатилган ва илк бор Қонунчилик палатаси Спикери лавозимига аёл киши сайланган эди. 2019 йилда эса Олий Мажлис Сенатининг йиғирмачи ялпи мажлисида аёл киши Сенат Раиси лавозимига сайланди. Билдирилган ана шундай юксак ишончини оқлаш бугун опа-сингилларимиздан янада катта куч ва шижоат талаб этади.

Шундай экан, бугун катта орзу-мақсадлар билан Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшаман, дея белини маҳкам боғлаб, майдонга чиқаётган ши-

нашади. Барча жабҳада адолат тантана қилиши учун курашади. Адолатни ўз широгига айлантирган партиямиз бугунги кунда ҳам ўз йўналишида адолатни тарғиб этиб келмоқда. Зеро, адолат — ҳар бир инсон учун!

Шу сабабли ҳам сайловолди дастурида халқимиз манфаатига хизмат қиладиган илгор гоёларни илгари сурашми. Буларнинг моҳиятида, биринчи галда, халқимиз дарди ва ташвишлари ечимига қаратилган ижобий ишлар мустаҳкам пойдевор бўлиб турибди. Дарҳақиқат, ушбу пойдевор мустаҳкам. Чунки у адолат устига барпо этилган. Адолат эса ҳеч қачон енгилган эмас! У ҳар қанча тўсиқ ва синовларга дуч келмасин, барча замонда алалоқибат гоили келган. Бу галги сайловларда ҳам, албатта, адолат тантана қилишига аминимиз. Зеро, адолат ўрна-тилган жойда халқ фаровон, турмуш оқоийшга кечди.

Яна бир муҳим жиҳатни эътироф этиш керак. Партия қандай йўналишда фаолият олиб бормасин, барчаси инсон ва унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Яъни партия балиқларовоз ёки курак гаплардан қочиб, одамларга манфаат келтирадиган аниқ гоё ва ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Бу борада партиямиз аниқ, изчил гоё ва йўналиш-

лар йўлидан бориб, бирдамлик, тенглик ва адолатлилик широрлари остида майдонга чиқди. Ушбу широрларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши учун ҳаракат қиламиз. Бу галги сайловларда ҳам партиямиз суд-хукуқ, таълим, бошқа ва бошқа, соғлиқни сақлаш ва бошқа бир қанча ижтимоий масалалардаги муаммоларни ҳолатларнинг бартағаб этилишига қаратилган гоёларни илгари сурумоқда.

Буларнинг халқ тарафидан чинакам эътироф этилиши партиянинг ютуғи ва галабасидир. Агар парламента ва маҳаллий Кенгашларда кўпчилик ўринини эгалласак, ана шу мақсадларимизни рўёбга чиқариш имконияти оқоийш. Демак, сиз, азиз сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашингиз нафақат биз, айни чоғда ўзингиз учун ҳам ниҳоятда муҳим эканлигини унутман!

Келажагимиз соғлом ва баркамол авлод қўлида

Маҳзуза ИСРОИЛОВА,
34-Зомин сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:



— Бугун юртимизда ёшлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар кўлами кенг. Мустақил фикрлайдиган, илгор илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти ва халқига фидойи, а ж д о л а р и м и з бошлаб берган ишни давом этиришига қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлоднинг энгиб бўладики, деган саволни олдимизга қўйсак, албатта, йўқ, дея баралла айтмай. Зеро, ўз мақсадига етишишда бирдам ва доим янгиликка интилувчи бундай ёшлар бизнинг фаҳримиз ва ғуруримиздир. Улар бизга куч беради, ифтихор бағишлайди.

Шундай экан, бугун катта орзу-мақсадлар билан Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшаман, дея белини маҳкам боғлаб, майдонга чиқаётган ши-

жоатли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиздир. Бу борада эса партиямиз тизимда "Ёш адолатчилар" қаноти ва "Истеъодли ёшлар клуби" ташкил этилди. Уларнинг кўмағида жойларда фаолият олиб бораётган ёш икитдор эгалари қўллаб-қувватланди, турли танловлар доира-сида уларнинг сийсий саводхонлиги оширилди. Айниқса, "Конституция билимдони" кўрик-танловнинг ташкил этилганлиги бу борада айни мундао бўлди. Ана шу саъй-ҳаракатимиз боис минглаб ёшларимизнинг хукуқий саводхонлиги оширилди, энг муҳими, улар сийсий жараёнларда фаол иштирок эта бошлади.

Партиямиз сайловолди дастурида ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан қайта шакллантириш, энг долзарб муаммоларини ечиш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ёшлар ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ёшларнинг ўй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан ёшлар билан очик ва доимий мулоқотни ўтказишга доир чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз.

Ёшларимизнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбия-

лаш, тафаккурида мустақиллик, миллий ўзини-ўзи англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳамда фидокорлик туйғуларини уйғотиш, фарзандларимизни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш сингари масалалар ҳам бизнинг устувор вазифаларимиздан саналади.

Кейинги йилларда юртимизда янги таълим муассасаларини қуриш ҳамда маъжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари жадал тус олди. Шунингдек, уларнинг моддий-техника базаси янгиланди, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Аммо бу борада ҳали қилиниши керак бўлган амалий ишлар талайгина. Партиямиз тизимда учраб турадиган муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг амалий ечимини топиш мақсадида сайловолди дастурида қатор ташаббусларни илгари сурумоқда.

Яна бир масала. Юртимизда ёшлар спортини ривожлантириш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб боришлари учун ҳам эътибор кучаймоқда. Масалан, спорт иншоотларини қуриш, уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш доимий эътиборда. Шу асосда биз ҳам сайловолди дастурида ёшлар ва спорт масаласига янгича ёндашяпмиз. Бошқача айтганда, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодга энг катта бойлигимиз сифатида қараймиз. Зеро, Ўзбекистонимиз келажаги айнан соғлом ва баркамол авлод қўлидадир.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ҲАҚИДА ЕВРОПАЛИК ЭКСПЕРТЛАР ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРДИ

У Президентларнинг мазкур учрашуви Марказий Осиёда янада чуқур ҳамкорлик қилишининг наватдаги далилига айланганига тўхталиб ўтар экан, бу 2017 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда белгилаб олинган устувор йўналишларнинг мантқий давоми экани, Ўзбекистон раҳбари ушбу йўлни муваффақиятли давом эттираётганига ургун берди.



Б. Ветцель Маслаҳат учрашуви якунларига оид чоп этилган материалларни таҳлил қилиб чиққанини билдирди. Унинг сўзларига кўра, агар давлат трансчегаравий ҳамкорликни жадаллаштириб, умуминтақавий муаммоларни ечиш учун саъй-харакатларни ҳамкорликда сафарбар этса ва ўз салоҳияти билан бўлишса, бу хорижлик сармоядорлар учун минтақа жозибдорлиги ҳамда ундаги янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш лаёқатини сезиларли равишда юксалтиради.

янгилиниш ва минтақавий ҳамкорлик йўли давом эттирилишини аниқлатади. Бу, шубҳасиз, халқаро аренада ҳам қўллаб-қувватланади, деди у хулоса ўрнида.

Франция турооператорлари кенгаши бош котиби Юрган Бахманн ҳам ушбу саммит ҳақида ўз нуқтаи назарини билдирди.

“Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда келгуси чора-тадбирларни белгилаб олиш учун муҳим ташаббусдир, — деди у. — Бу эса бутун минтақа тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади”.

У мазкур йиллик форум якунлари сайёҳлик тармоғи учун ҳам катта қизиқиш уйғотганини қўйидаги фикрлар билан изоҳлади:

— Ўзим Ўзбекистонга борганман ва бу диёрнинг туризм салоҳияти билан яхши танишман. Бугун сайёҳлар фақат бир мамлакатга бориш билан чекланишга ўтишган йўқ. Бинобарин, Ўзбекистон Президентининг мадани ҳақидаги қўйидаги бирлаштириш ва “Марказий Осиё” туристик брендини яратиш йўли билан минтақада ягона сайёҳлик ёндашувини амалга ошириш бўйича ташаббуси юксак баҳрага лойиқ.

Биз минтақа мамлакатларига француз сайёҳларини жўнатадиган турооператорлар сифатида яхши маркетингга муҳтожмиз. Чунки бугунги кунда бутун дунё бўйлаб кўплаб жозибали туризм йўналишлари мавжуд.



Туризм бўйича эксперт, “Бир савҳат билан — бутун минтақа бўйлаб” тамойили асосида қўшма дастурларни илгари суриш учун Халқаро туризм конференцияси ташкил этилиши меконхона бизнеси, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга чет эл инвестицияларини жалб этиш, шунингдек, маданий-тарихий объектларни сақлашда маҳаллий ҳамда хориж турооператорлари тажрибасидан фойдаланиш учун зарур эканлигини таъкидлади.

Ю. Бахманн тадбир давомида минтақада транспорт-логистика тизимларини ривожлантириш бўйича билдирилган тақдирлар ўз вақтида ўртага ташлангани ва долзарб эканлигини ҳам айтиб ўтди.

“Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентдаги Маслаҳат учрашуви халқаро жамоатчиликнинг минтақа сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги хабардорлигини ошириш ва хорижлик, жумладан, Франциялик туристларни Марказий Осиё мамлакатларига жалб этишга хизмат қилади”, деди у.

Санджон МАХСУМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ТУРКИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

Мамлакатимизда жорий йилнинг 1 — 7 декабрь кунлари “Саломатлик ҳафталиги” бўлиб ўтмоқда. Унинг доирасида соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасида биринчи ўзбек — турк бизнес форуми ҳам ташкил этилди. Шу муносабат билан Туркия Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Фахруддин Қовжа бошчилигидаги делегация юртимизда бўлиб турибди.

Форум

Форумнинг очилишида таъкидланганидек, икки давлат раҳбарларининг қатъий сийёсий иродаси ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Мамлакатлар соғлиқни сақлаш вазириларни томонидан 2019-2020 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш

га қаратилган “Йўл харитаси” имзоланган. 2018 йил май ойида юртимиз шифокорлари ва туркиялик мутахассислар биргаликда 45 та қўшма операция ўтказган.

— Туркия билан юртимизда тиббиёт муассасалари ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш, малакали кадрлар тай-

ёрлаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз, — деди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов. — 2018 йил апрель ойидан бошлаб трансплантация соҳасида туркиялик таниқли олим, профессор Махмуд Хабрал раҳбарлигида Анқара шаҳридаги Бошкент университети мутахассислари иштирокида Республика шозилинч тиббий ёрдам илмий марказида буйрак трансплантацияси операцияси бошланди. Айна пайта қадар юртимизда 300 дан ортиқ буйрак трансплантацияси бўйича жароҳлик амалиётлари ўтказилган.

Таъкидлаш жоизки, Туркия Тиббиёт фанлари университети билан келишувга биноан, шу йил ёзда Бухоро давлат

тиббиёт институти базасида ушбу университетнинг филиали очилган бўлиб, у ерда тиббиёт факультети (6 йиллик) ва олий тиббиёт мактаби (3 йиллик) фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда ушбу масканда 130 дан зиёд талабалар тахсил оляпти.

Форум доирасида ҳар икки мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият акс этган кўргазма кўпчиликлари манзур бўлди. Шунингдек, ўзаро ҳамкорлик бўйича учрашувлар, тақдиротлар, давра суҳбатлари ҳамда турк делегацияси вакилларининг давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларига ташрифлари ташкил этилмоқда.

Шоҳзод ГАФФОРОВ («Халқ сўзи»).

ХОРИЖДА ОЧИЛГАН САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?



Йиғилишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан тенг, фаол ва тўсиқсиз фойдаланиши таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масала Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон ногиронлар жамаияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамаияти ва Ўзбекистон карлар жамаияти ўртасида шу йил 27 сентябрь кунги имзоланган

икки томонлама келишувларга мосдир. Тадбирда сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш иши изчил давом этаётгани ҳам таъкидланди. Ҳозирги кунгача аккредитациядан ўтказилган маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари 254 тани, шундай ваколатга эга бўлган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари 85 тани ташкил қилди.

ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси кузатувчилар миссиясининг 28 нафар ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси кузатувчилар миссиясининг 65 нафар халқаро кузатувчиси аккредитациядан ўтказилди. Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ИККИ ТУМАНГА МЕДИА-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Медиа-тур доирасида худуддаги Маданият уйида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар учун МСҚ Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими томонидан сайёр дебат уюштирилди.

ОАВ вакиллари Узун туманидаги халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 86-сайлов округи фаолиятини ҳам кўздан кечирдиши.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

БАҒРИКЕНГ ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ



Шу боис бу ерда уларни бир-бирига яқинлаштирадиган, дўстликни мустаҳкамлайдиган, ўзаро меҳр-оқибатни кучайтирадиган маънавий-маърифий тадбирларни, турли мусобақалар, беллашувларни ўтказиш аънавага айланган.

Жумладан, яқинда Халқаро бағрикенглик кўнига бағишлаб шахримиздаги Рус миллий маданият маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шиори остида катта байрам тадбирини ўтказдик. Унда ўқувчи-ёшлар жуда фаол қатнашди.

Мақтабимиз кутубхонасида 15 дан ортиқ бўлимлар бўлиб, ҳар бирида маълум бир тиллардаги адабиётлар, ўқув қўлланмалари жамланган. Бу ҳам муассасамизда бошқа миллат вакиллари қаратилаётган эътибор намунаси дидир.

Зеро, шу юртда яшаётган ҳар бир ёш ўз фарзандимиздир. Уларнинг таълим-тарбияси, жамиятда ўз ўринларини топшириш учун зарур шароитларини яратиш беришга масъулмиз.

Моҳиғул РАҲИМОВА, Зарафшон шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси.

Меҳр-мурувват ойлиги

ЭЗГУ ВА ХАЙРЛИ ИШЛАР КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗМОҚДА

Ногиронлиги бўлган ёки жисмоний имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сийёсатининг асосий йўналишларидан бири саналади. Бу эзгу ишга давлат ва жамоат ташкилотлари бирдек бош қўшиб келмоқда.

Хусусан, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат уйлари, махсус-мактаб интернатлар тарбияланувчиларига дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат, ногиронлик аравачалари топшириляпти.

- Биргина жорий йилнинг ўтган даврида: 37 минг 477 нафар ана шу тоифадаги фуқарога 6 миллиард 263 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдамлар берилди. Байрам ва кутлуг саналар арафасида: 1020 нафардан зиёд кишиларга 270 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Шунингдек, 559 та ногиронлик аравачаси, 401 та тикув машинаси улашилди.

Мазкур йўналишдаги ишларни кучайтириш ва “3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунини кенг нишонлаш мақсадида республикамизда жорий йилнинг 30 ноябрдан 30 декабрга қадар “Меҳр-мурувват ойлиги” сифатида эълон қилиниб, унинг доирасида кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Яшнобод туманидаги 103-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ташкил этилди. Унда тарбияланувчилар ҳар томонлама рағбатлантирилди.

«Халқ сўзи».

КўНГИЛ МЕҲРДАН СУВ ИЧАДИ

Жиззах шаҳрида “3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунини” муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.

Ғамхўрлик

Унда вилоятдаги ёлғиз ва ёрдамга муҳтож кексаларга ижтимоий хизмат ҳамширалари ғамхўрлик қилаётгани, уларнинг уйларида ҳар ойда 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериллаётгани, 800 нафардан ортиқ кам таъминланган ва

ногиронлиги бор оилалар узоқ муддатли кредитлар асосида уй-жой билан таъминлангани таъкидланди.

— Ҳар йили мазкур сана юртимизда кенг нишонланади, — дейди Ногиронлар жамаияти Жиззах вилояти бўлими раёсати раиси

Абдулла Қаршибоев. — Мақсад одамларни меҳр ва эътиборга муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўшиб, уларга моддий ва маънавий кўмак беришга ундашдан иборатдир.

Тадбирда ногиронлиги бўлган 60 нафар юртдошимизга аравачалар ва реабилитация ускуналари, имконияти чекланган 315 нафар инсонга озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзмилийбанк» жисмоний ва юридик шахслар учун депозитларни тақлиф этади. Жисмоний шахслар учун миллий валютада: «Ишончли» — сақлаш муддати — 18 ой; — йиллик фоиз ставкаси — 22%; — бошланғич бадал — 100 000 сўм; — ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда тўлаб берилади. «Инвестиция» — сақлаш муддати — 13 ва 18 ой; — йиллик фоиз ставкаси: 13 ой учун — 20%; 18 ой учун — 21%; — бошланғич бадал — 1 000 000 сўм; — ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда тўлаб берилади; — 3 ойгача — йиллик 0%; 3—12 ойгача — йиллик 16%; — 18 ойлик муддат учун: 6 ойгача — йиллик 0%; 6—17 ойгача — йиллик 15%; — омонатни «Milliy» мобил иловаси орқали ҳам очиш мумкин. Юридик шахслар учун: банк томонидан юридик шахслар депозитларини қабул қилишда, мижозларга индивидуал шартлар асосида ёндашилган ҳолда, узоқ муддатли депозитларни муддати ва миқдорига кўра тегишли фоиз ставкалари белгиланади. «Ўзмилийбанк» депозит кўйилмалари маблағлари ва ҳисобланган фоизлар тўловлари белгиланган муддатларда амалга оширилишини кафолатлайди. Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз! Қўшимча маълумотларни 78-148-00-10 телефон рақами орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалларидан олишингиз мумкин. www.nbu.uz

«O'zinvestloyiha» МЧЖ устав жамғармасидаги «Асака» банк улушини сотиш учун баҳоланган ҳисоботини экспертизадан ўтказиш мақсадида баҳоловчи ташкилотлар орасида танлов эълон қилади. Танловда қатнашиш учун барча иштирокчилар «Асака» банкига (100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй) эълон чоп этилган санадан бошлаб, 10 кун муддат ичида қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак: • баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия нусхаси; • давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси; • устав ва уставга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалардан нусха; • ўрнатилган тартибда лицензия берувчи орган томонидан ташкилот раҳбарига ва фаолият юритаётган баҳоловчиларга берилган сертификат нусхаси; • баҳоловчи ташкилот тўғрисида маълумот (профессионал фаолият юритаётган муддати, баҳолаш фаолиятидаги тажрибаси ва б.); • баҳолашни ўтказиш муддати ва хизматлар нархи кўрсатилган тижорат тақлифи. Маълумот учун телефонлар: 78-120-82-75, 78-120-82-67. www.asakabank.uz «Асака» банки.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»

БУГУНГИ КУНДА ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЎФИЛ-ҚИЗЛАРГА АНА ШУНДАЙ ТАЪРИФ БЕРИЛМОҚДА.

Таълим

ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ, ТАФАККУРГА КУЧ БЕРДИ

Мамлакатимизда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилгани Ватан, миллат номини улуғлашга бел боғлаган ёшларнинг орзуларига қанот бўлди.



Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги Президент мактабига ташрифи чоғида: "Сиз энди Ўзбекистоннинг "олтин фонди"сизлар. Халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этадиган нарсалар кўп. Лекин энг афзали билим билан намойён этиш. Ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча асосларимиз бор", дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Ана шундай ихтисослаштирилган мактаблар янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим асос бўлиши шубҳасиз.

Айни пайтда мамлакатимизда 9 та ижод мактаби бўлиб, уларда 1600 дан ортиқ ўғил-қизлар таҳсил олмақда. Ҳар бир мактаб замон талаблари асосида жихозланган. Иқтидорли болаларни аниқлаш, илгор технологияларни қўллаган ҳолда уларга сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим ишлаб чиқилган. Ўқувчиларнинг республика ва халқаро семинарлар, конференциялар, фестиваллар ва бошқа интеллектуал-ижодий тадбирларда иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Ижод мактабларида юртимизнинг турли ҳудудларидан илмга чанқок, тафаккури теран иқтидор эгалари таҳсил олмақда. Келгусида бу ёшлар халқимизнинг зиёли вакиллари бўлиб, ўз кашфиётлари, ижоди билан илмий ва маънавий тафаккур ривожига ҳисса қўшишига ишонамиз.

Сарвар БАБАХОДЖАЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори.



Мулоҳаза

БУ МАСКАНЛАРДАН ЮРТ ОБРЎСИНИ ДУНЁГА ЁЙИШГА ҚОДИР ЁШЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

Биз ижод мактаби деганда, аввало, адабиётни тушунамиз. Адабиёт миллатни тарбиялайди. Ана шу тарбиячилик маъносидан келиб чиқиб, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибрат, Қодирий, Халима Худойбердиева мактаблари деган тушунчалар пайдо бўлди. Улар айнан миллатни тарбияловчилардан бўлганлиги учун мактаблари очилди. Президентимиз бунинг моҳиятини жуда чуқур англаган ҳолда бу мактабларни ташкил этиш ташаббускори бўлди ва мана шу таълим масканларидан миллатни тарбияловчилар тарбияланиши керак, деган мақсадни илгари сурди.

Юртимизнинг турли ҳудудларидаги ижод мактабларида бўлиб, ёшлар билан учрашувлар ўтказамиз. Шу йили Жиззахдаги Хамид Олимжон ва Зулфия, Сирдарёдаги Халима Худойбердиева номидаги мактабларга бордик. Фарғонадаги Эркин Воҳидов ижод мактаби билан эса яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бу ерда ўқувчиларга назм, наср, болалар адабиёти, бадий таржима, мумтоз адабиёт, бадий публицистика, драматургия сингари йўналишларда гуруҳларга бўлинган ҳолда таълим берилмоқда. Ижодкор дўстларим мактаб-

да муҳит бошқача эканини айтишди. Ҳақиқий кучли болалар жам бўлганини таъкидлашди. Бунинг сабаби бор, албатта. Бошқа мактабларга ўқувчиларни саралаб олишда тест синовлари ҳал қилувчи жараён ҳисобланади. Эркин Воҳидов ижод мактаби мутасаддилари эса Фарғонанинг барча туманларида, ҳатто чекка қишлоқларида сайёр қабуллар тарихида дастлабки танловларни ўтказмоқда. Сараланганлар туманлар, сўнг вилоят миқёсидаги танловда синовдан ўтади. Шунингдек, ҳайвот томонидан талабгор билан сўхбат

уюштирилиб, ижодий ишлари кўриб чиқилди. Улардан энг иқтидорли деб топилганлар тест синовларида қатнашди. Қарабсизки, синов имтиҳонидан энг паст балл тўплаган бола ҳам ўзига хос иқтидорли, ижодга ошно, билимга ташна бўлади. Бундай мактабларга ўқувчиларни жалб қилишда мана шундай изланувчанлик, фидойилик керак.

Президентимиз айтганидек, бу ёшларнинг орасидан шоир ё ёзувчи чиқмаслиги мумкин, лекин китоб кўрган, фикри кенг, юртининг, миллатининг тарихини чуқур билган, улус мероси билан фахрлана оладиган, ўз юртининг обрўсини дунёга ёйишга қурби этадиган зиёлилар етишиб чиқади. Бундай хусусиятга эга йиғит-қизлар, кейинчалик қайси соҳада ишламасин, ўз ишининг устаси, билимдонни бўлиб етишиши ва юзлаб ёшларни ўзига эргаштира олиши мумкин.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Дил сўзи

Президентимиз ташаббуси билан ҳудудларда халқимизнинг атоқли шоир ва ёзувчилари номидаги ижод мактаблари ташкил этилгани уларнинг яқинлари, оила аъзоларини беҳад мамнун қилди. Буни куйидаги дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.

«АДАБИЁТ — АБАДИЯТ ДЕМАК»

Ханифа МУСТАФОЕВА,
"Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби:



— Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг очилгани қалбимизни фахриятхорга тўлдирди. Абдулла Орипов Ватанимизни чин юракдан севди. Тупроғини кўзларига тўғий айлашга тайёр турди, она халқимизга доимо таъзимда бўлди. Шоир номидаги ижод мактабидан ана шундай ватанпарвар, руҳи балоғат ёшлар камолга етишишига ишонаман. Ушбу мактаб Абдулла Ориповнинг нафақат хотирасини абадийлаштириш, балки унинг ижодига, шахсига берилган яна бир юксак баҳодир. Абдулла аканинг кунни кун, тунни тун демай ижод қилганини кўрган, ҳамдам, елкаш бўлган инсон сифатида айтишим мумкинки, ҳалол меҳнат, изланиш, интилиш ҳеч қачон унутилмайди. Инсон олий қадрият сифатида кўрилган юртда эса алоҳида қадрланади. Ижод мактабида бўлиб, у ерда ўқитган ёшлар амин бўламани, эзгуликнинг умри боқий, Абдулла ака шериатидан таралган нур бугун миллионлаб юртдошларимизнинг, ёшларимизнинг қалбини ёритиб турибди.

Гулчеҳра ВОҲИДОВА,
"Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби:



— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғи ташкил этилиб, Эркин Воҳидовнинг ҳайкали ўрнатилгани, мемориал музейи бунёд этилгани, шоир номидаги она тили ва адабиётни чуқурлаштириб ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилиши қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирган воқеалиқдир. Бу ишларни кўриб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида яшаган инсонни эл-юрт ҳам ҳаммиса эъзозлашига яна бир бор амин бўлдик. Эркин Воҳидов "Ўзбегим" қасидасида "Мен буюк юрт ўғлидирман, Мен башар фарзандиман, Лекин аввал сенга бўлсам, Содиқ ўғлон, ўзбегим", дейди. Шуб-

Хондамир ҚОДИРИЙ,
Абдулла Қодирийнинг набираси:



— Абдулла Қодирий ижод мактабининг ташкил этилиши адабиётга, маънавият ва маърифатга қаратилган юксак эътибор намунаси бўлди. Шу билан бирга, бу буюк бобомизнинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг муносиб эътирофидир. Абдулла Қодирий номи қораланган, китоблари кўздан пана қилинган йилларни ҳам бошдан кечирдик. Лекин халқимиз ўзбек романчилигига асос солган, миллий насрни юксак рутбаларга кўтарган фарзандини унутмади.

Абдулла Қодирий ўз асарларида миллий юксаклиқ, истиклол, адолатпарварлик, Ватанин ардоқлаш гоёларини илгари сурди. Президентимиз бундай бадий жиҳатдан пишқ ва пухта, миллий ва умуминсоний гоёлар кенг тараннум этилган асарлар миллий тикланишдан миллий юксаклиқ сари дадил одимлаётган халқимиз учун гоётда зарур эканини илғади, адибнинг номидаги ижод мактабини ташкил этиш та-

«Халқ сўзи».

ИЖОД МАКТАБЛАРИ КИЧИК ГУМАНИТАР АКАДЕМИЯЛАРГА АЙЛанаДИ

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,
Огаҳий номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори:

— Мактабимизга ўқувчиларнинг энг муносиблари саралаб олинди. Ўқитувчилар ҳам танлов асосида таълим олишга қабул қилинди. Масканимизда таълим ўзига хос тарзда олиб борилди. Ўқув фанларидан ташқари "Таржимонлик", "Огаҳий ворислари", "Буюк аждодлар мероси", "Еш математикалар" каби тўғра рақлар ташкил қилинган. Рус тили, француз тили, немис тили, араб тили мутахассислигига эга олий маълумотли тарбиячилар хорижий тиллар машғулотида жалб этилган. Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус бўйича маданият ва санъат, компьютер саводхонлиги, спорт, китобхонлик каби тўғра рақлар очилган. Мактаб биносида алоҳида босмахона ташкил этилиши режалаштирилган. Бу шу ернинг ўзида ўқувчиларимизнинг ижод намуналарини яратишга чоп этиш имконини кўрди.

Гулчеҳра ҚАЮМОВА,
Исҳоқий Ибрат номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори:

— Мактабимизда ўқиш ва ўқитиш ишлари замон талаблари даражасида олиб борилмоқда. Шу боис мактабининг илк қалдирғочлари — 17 нафар ўқувчи республикамиздаги олий таълим даргоҳларининг талабасига айланди. Ўқувчи-

ларимиздан Манзура Маҳмудова Ўткир Хошимовнинг "Бемор" ҳикоясини немис тилига ўғитиб, Германияда чиқадиган "Витамин В" журналида чоп эттирди. Дониёр Маҳмудовнинг таржимасидаги яна бир асар хорижий журнал орқали француз китобхонлигига тақдим қилинди. "Еш китобхон" республика танловига муваффақиятли иштирок этган Дилобар Маҳмудова китоб мутлоасида эришган ютуғи билан тенгдошларига ибрат. Мактабимиз битирувчилари орасидан жаҳонга таниқли хорижий тил мутахассислари, етук шоир ва ёзувчилар, моҳир таржимонлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам замин яратилган.

Фарахат ПАЛИМОВ,
Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори:

— Таълим даргоҳимизда 276 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Муассасамиз қошида таржима маркази, кичик босмахона ва спорт зали, физика, кимё лабораториялари, инглиз тилини ўрганиш, тасвирий санъат, информатика, ахборот технологияси хоналари ва 10 та ўқув хонаси мавжуд. "Оқ йўл, ёш қаламқаш", "Еш адабиётшунослар", "Еш ижодкор", "Еш таржимонлар", "Публицистик асар сирлари", "Нотиқлик санъати", "Биз — Аёзий издошлари" (Аёзий — Ибройим Юсуповнинг тахаллуси) каби тўғра рақлар фаолият олиб бормоқда. Ибройим Юсупов қорақалпоқ адабиётининг улкан тоғларидан бири эди. Бугун қўлга қалам олиб, Ибройим оғанинг йўлидан боришни ният этган истеъдодли ёшлар кичик чўққиларга ўшайди...

Муҳаммад ИСМОИЛОВ,
Халима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори:

— Гўлистон шаҳрида мактабимизнинг ташкил этилиши бугун адабиёт ахлини, халқимизни беҳад ҳурсанд қилди. Ижод мактабига ўқувчилар танлов асосида қабул қилинди. Таълим масканимизга таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар ташриф буюриб, маҳорат дарсларини ўтмоқда. Мактабда барча фанлар чуқур ўқитилмоқда. Зеро, бу ерда фақат ижодкорларни эмас, барча йўналишлар бўйича етук билимга эга ёшларни камолга етказиш асосий вазифамиздир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ижод мактаблари кичик гуманитар академияларга айланмоқда.

Шоҳиста НУРМАТОВА,
Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб директори:

— Масканимизда 310 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Уларга замонвий технологияларни пухта ўзлаштирган, хорижий тилларда бемалол гаплаша оладиган малакали ўқитувчилар сабоқ бериляпти. Ижод мактабига Муҳаммад Юсуф музейи, кутубхона, замонавий жиҳозланган синфхоналар, спорт зали, фаоллар зали, ётоқхона мавжуд. Таниқли ижод-

корлар, ёзувчи-шоирлар билан ҳамкорликда маҳорат дарслари, адабий-ижодий учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Ўқувчиларимиз Ватанимиз қорига ярайдиган, ўзидан яхши из қолдирадиган инсонлар бўлиб камолга етишишига ишонамиз.

Убайдулла ОРИПОВ,
Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори:

— Абдулла Орипов ўзбек шеърининг юксак мақомага кўтарган улус шоир сифатида барча ёш истеъдодлар учун чинаяк ибрат тимсолидир. Шоирнинг она Ватан муҳаббатини сингдирувчи, юракларни ғурурга тўлдирувчи шеърлари кириб бормаган хонадан йўқ. Мактабимиз биноси олдида Абдулла Орипов номи билан аталадиган майдонда шоирнинг муззам ҳайкали қад кўтарган. Бинонинг биринчи қаватида Абдулла Орипов музейи фаолият олиб бормоқда. Ижод мактаби сўнги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган. Халқаро ҳамкорликни ҳам йўлга қўйдик. Масканимизда 1 халқаро "Олтин сўз" адабиёт фестивали кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда Туркия, Қозғистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Италия, Норвегия ва бошқа давлатлардан шоир, ёзувчилар, журналистлар қатнашди. Бу ўқувчи-ёшларимизни юксак ижодий парвозларга чорлайди.

Маъмура ЮСУПОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

«Халқ сўзи».

Фахр

ҲАР ЖИҲАТДАН ИБРАТ СИЙМОЛАР

Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги хиббон бугун Жиззах шаҳрининг кўрғи айланган. Бу ердаги ўриқлар ҳар баҳор оппоқ гуллаб, ёқимли ифтор таратади. Халқимизнинг икки ардоқли фарзанди номидаги ижод мактаби ана шу хиббон ёнида жойлашгани бежиз эмас. Шоирлар бу боғлар манзараларидан илҳомланган, энг гўзал асарларини шу заминнинг меҳри билан қозғога туширган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташриф буюришида "Хамид Олимжоннинг Зулфия билан бирга кечган ҳаёти, севги ва садоқати ёшларга ҳар жиҳатдан ибратдир", деган эди.

Бугун ижод мактабига таълим олаётган, адабиётга ошуфта меҳр, садоқат, муҳаббат туйғуларини қалбига макон тутиб, қўлга эндигина қалам олиб, қозғо қоралаётган ёшларга бу икки сиймо йўлини юлдиз қабидир.

Хамид Олимжоннинг қаҳрамони Муқанна жагда қурбон бўлаётганини англаб, авлодларга васиятнома хитобини шундай изҳор этади:

Мен элимнинг юрагига яшайман, Эрк деганнинг тилагида яшайман...

Мана шу хитобдан сабоқ олиш бизга ҳам насиб этди. Ижод мактабига дарс бериш жараёнида ўқувчилар кўзига ёниб турган учунда "Мен келажакда Хамид Олимжондек ижодкор бўламан", "Мен Зулфияхонимнинг ҳақиқий издоши бўлиб етишаман", деган ният борлигини кўрсатди. Мактаб ховлисидаги хиббонда Хамид Олимжон ва Зулфияхонимнинг меҳр кўзи билан боқиб, бир-бири билан мушоира қилаётганини кўрамиз. Бу улус сиймолар мудом ёнимизда эканини ҳис қиламиз.

«Халқ сўзи».

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 45 827 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлари берилмиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топшириқди — 22.45 1 2 3 4 5 6